

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ
ҚЎШМА ЛОЙИХАЛАР****Akbarov Bunyodjon Ilyosjon o'g'li***mustaqil tadqiqotchi**ilyosjonovmuhammadbilol@gmail.com***Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон ва Туркия таълим муассасалари ўртасидаги қўшма лойиҳаларнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари таҳлил қилинган. Унда қардошлиқ ришталарига асосланган ҳамкорликнинг тарихий ва замонавий жиҳатлари, университетлар ўртасидаги шартномалар, талабалар алмашинуви, илмий-тадқиқот лойиҳалари кўриб чиқилган. Хусусан, TÜBİTAK билан ҳамкорлик, Türkiye Bursları стипендияси, ТІКА ва УТВ ташаббуслари, шунингдек, Тошкентдаги Туркий давлатлар халқаро университети каби янги лойиҳалар келтирилган. Рақамли таълим ва сунъий интеллект йўналишларидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар

Ўзбекистон-Туркия таълим ҳамкорлиги, қўшма лойиҳалар, талабалар алмашинуви, илмий-тадқиқотлар, Туркий давлатлар халқаро университети, TÜBİTAK, Türkiye Bursları, Туркий давлатлар ташкилоти.

Аннотация

В статье анализирован текущее состояние и перспективы развития совместных проектов между образовательными учреждениями Узбекистана и Турции. Рассматривались исторические и современные аспекты сотрудничества, основанного на братских отношениях, договоры между университетами, программы обмена студентами, совместные научно-исследовательские проекты. В частности, упоминалось сотрудничество с TÜBİTAK (Совет по научно-технологическим исследованиям Турции), стипендиальная программа Türkiye Bursları, инициативы ТІКА (Турецкое агентство по сотрудничеству и координации) и УТВ (Управление по делам турок за рубежом и родственных сообществ), а также такие новые проекты, как Международный университет тюркских государств в Ташкенте (Туркий давлатлар халқаро университети). Обсуждались перспективы сотрудничества в области цифрового образования и искусственного интеллекта.

Ключевые слова

Узбекистан-Турция образовательное сотрудничество, совместные проекты, обмен студентами, научные исследования, Международный университет тюркских государств, TÜBİTAK, Türkiye Bursları, Организация тюркских государств.

Abstract

The article analyzes the current state and prospects for the development of joint projects between educational institutions of Uzbekistan and Turkey. It examines the historical and modern aspects of cooperation based on fraternal ties, agreements between universities, student exchanges, and research projects. In particular, new projects such as cooperation with TÜBİTAK, the Türkiye Bursları scholarship, TİKA and EBRD initiatives, as well as the International University of Turkic States in Tashkent are presented. Prospects for cooperation in the areas of digital education and artificial intelligence were discussed.

Keywords

Uzbekistan-Turkey educational cooperation, joint projects, student exchange, scientific research, International University of Turkic States, TÜBİTAK, Türkiye Bursları, Organization of Turkic States.

Кириш

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик қардошлиқ ришталари, умумий тарихий ва маданий меросга асосланган мустақкам пойдеворга эга. Глобаллашув ва рақамли технологиялар даврида икки мамлакат таълим муассасалари ўртасидаги қўшма лойиҳалар, мутахассислар тайёрлаш ва инновацион ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда икки томонлама муносабатлар янги босқичга кўтарилиб, олий таълим, илмий тадқиқотлар ва профессионал малака ошириш соҳаларида кўплаб битимлар имзоланди.

Жумладан, университетлар ўртасида 150 дан ортиқ ҳамкорлик шартномалари тузилиб, қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилди. Туркиянинг TÜBİTAK ва Ўзбекистоннинг тегишли идоралари ўртасидаги илмий лойиҳалар, шунингдек, ўқитувчи ва талабалар алмашинувлари ҳамкорлигининг амалий кўринишларидир. Учинчи Ўзбекистон-Туркия таълим форуми каби тадбирлар ва янги протоколлар бу соҳадаги фаолликни янада кучайтирмоқда. Мазкур ҳамкорлик нафақат икки мамлакат таълим тизимини бойитади, балки туркий дунё интеграциясига ҳам ҳисса қўшади. Келгусида қўшма университетлар таъсис этиш, рақамли таълим ва сунъий интеллект йўналишларидаги лойиҳалар истиқболлари янада кенгайтириши кутилмоқда.

Бу лойиҳалар нафақат икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга, балки туркий дунёнинг умумий таълим тизимини модернизация қилишга ҳам хизмат қилмоқда. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия президенти Режеп Таййип Эрдоғон раҳбарлигидаги ҳукуматлар таълим соҳасидаги ҳамкорликни устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаган²⁹.

²⁹Ўзбекистон-Туркия стратегик ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати. 29.03.2022. <https://president.uz/en/lists/view/5087>

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги таълим ҳамкорлиги 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бошланган. Илк йилларда бу алоқалар асосан маданий ва тил ўргатиш йўналишларида ривожланди. 2000-йиллардан эса Туркиянинг ТІКА ва УТВ каби ташкилотлари орқали қўшма лойиҳалар кўпайди. Биргина ТІКА 2017 йилгача Ўзбекистонда 700 га яқин лойиҳани амалга оширган (таълим, соғлиқ сақлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида). 2018 йил биринчи чорагида бу рақам 725 га етган. 2020-2023 йилларда ТІКАнинг Ўзбекистондаги фаолияти янада кучайган бўлиб, умумий ҳажм 26 млн долларга яқин лойиҳалар амалга оширилди ва улардан 147 та лойиҳа таълимга тегишли ҳисобланади³⁰.

Ушбу лойиҳалар давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди: 50 та тез тиббий ёрдам машинаси етказиб берилди, доимий равишда кардиология, ортопедия, оториноларингология, педиатрия, гинекология, урология, умумий ва пластик жарроҳлик соҳаларида соғлиқни сақлаш бўйича тренинглари ўтказилди. Ушбу тренинглари доирасида 1200 бемор даволанди ва 400 нафар тиббиёт ходими ўқитилди, қарийб 180 та операция ўтказилди. Қолаверса 23 та мактабгача таълим муассасасини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди³¹.

2017 йилдан бошлаб, ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) доирасида таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорлик кучайди. 2020 йиллар бошида пандемияга қарамай, онлайн дастурлар ва қўшма конференциялар ўтказилди. 2024-2025 йилларда эса, қўшма университетлар ва илмий лойиҳаларнинг ташкил этилиши билан ҳамкорлик стратегик даражага етди. Масалан, ТЎБИТАК - Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2025 йилга мўлжалланган икки томонлама ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш дастурини баҳолаш жараёни якунланди. Ушбу лойиҳа доирасида Азиз Санжар номидаги тадқиқот стипендиялари дастури орқали ўзбек олимлари Туркияда PhD ва постдокторантура тадқиқотларини ўтказишлари мумкин³².

ТДТнинг 2025 йилги саммитларида таълим соҳасидаги умумий стандартларни жорий этиш масаласи муҳокама қилинди, бу эса қўшма лойиҳаларнинг асоси бўлди. Масалан, 2025 йилнинг ўтган саккиз ойи давомида Ўзбекистонга 5,2 миллиондан ортиқ ТДТга аъзо давлат фуқаролари сафар қилган, бу маданий ва таълим алмашинувининг ўсганлигини кўрсатади.

³⁰ ТІКА томонидан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 700 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Анадоли Агенсий сайти. 29.04.2023. <https://www.aa.com.tr/en/economy/turkey-carried-out-projects-in-uzbekistan/1130927>

³¹ ТІКА томонидан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 700 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Анадоли Агенсий сайти. 29.04.2023. <https://www.aa.com.tr/en/economy/turkey-carried-out-projects-in-uzbekistan/1130927>

³² ТЎБИТАК– Ўзбекистон қўшма икки томонлама қўллаб-қувватлаш дастури 2025 учун аризалар натижалари эълон қилинди. Тўркия Билимсел ва Текноложик Араштирама Куруми матбуот хизмати. 2025 йил. <https://tubitak.gov.tr/en/announcement/2518-tubitak-mhesi-uzbekistan-joint-support-programme>.

Туркия таълим соҳаси орқали таъсир доирасини кенгайтиришга ҳар доим катта эътибор қаратган. Туркия Миллий таълим вазирлиги (МЕВ) ҳозирда 125 та давлат билан 350 та таълим шартномасини амалга ошириб, кенг қамровли таълим дипломатияси ташаббуслари орқали мамлакатнинг халқаро майдондаги юмшоқ кучини мустаҳкамламоқда.

Ўтган 2023-2025 йиллар давомида Туркиянинг глобал таълим тармоғи 14 та давлат билан 16 та янги шартнома имзолаш орқали кенгайтирилди. 2024-2025 йиллар оралиғида Сурия билан ўқитувчиларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва махсус таълимни қамраб олувчи протокол имзоланди. Молдова билан Режеп Таййип Эрдоған номидаги Туркия-Молдова коллежини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Шунингдек, Украина, Мўғулистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон каби давлатлар билан олий таълимдан тортиб, профессионал таълимгача бўлган турли соҳаларда стратегик келишувлар имзоланган. Туркманистон ва Ўзбекистон билан бўлиб ўтадиган музокаралар доирасида янги турк мактаблари очилиши режалаштирилган. 2025 йилда Туркия 13 мамлакатда 65 та таълим муассасалари очиб, 12 000 дан ортиқ талабага таълим берган, бу глобал таълим дипломатиясининг бир қисмидир³³.

1994 йилда бошланган "Биродар мактаблар" дастури турк мактабларини 64 мамлакатдаги ҳамкор мактаблар билан бирлаштирди. Бугунги кунда 1 минг 229 та, шундан 712 таси хориждаги мактаблар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ташаббус маданий мулоқот ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашда давом этмоқда. Таълим вазирлиги хорижий талабалар учун мўлжалланган мослашув дарслари, PIKTES+ лойиҳаси ва турк тили ва маданияти курслари орқали инклюзив таълимни тарғиб қилишни давом эттирмоқда. 2024-2025 ўқув йили давомида саккиз мамлакатда 2174 нафар талаба турк тили ва маданияти бўйича таълим олди, келгуси даврда дастурни 11 мамлакатга кенгайтириш режалаштирилган³⁴.

Миллий таълим вазирлиги томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ва келишувлар шуни кўрсатадики, Туркия нафақат минтақавий, балки глобал таълим субъектига айланди. Вазирлик мутасаддилари келгуси даврда Туркиянинг таълим дипломатиясини янги келишувлар орқали янада мустаҳкамлаш ва институционаллаштириш, халқаро майдонда инклюзив таълим моделларини илгари суришни мақсад қилганини маълум қилди³⁵.

Ўз навбатида Ўзбекистонда ҳам таълим соҳасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Ўзбекистонда 30 га яқин хорижий олий таълим муассасалари

³³ Türkiye Strengthens its Global Influence through Education Diplomacy. Türkiye Milliy Egitim Bakanligi матбуот хизмати. Истанбул. 30.10.2025. <https://tiflis.meb.gov.tr/www/turkiye-strengthens-its-global>.

³⁴ Türkiye Strengthens its Global Influence through Education Diplomacy. Türkiye Milliy Egitim Bakanligi матбуот хизмати. Истанбул. 30.10.2025. <https://tiflis.meb.gov.tr/www/turkiye-strengthens-its-global-influence-through>

³⁵ Туркия таълим дипломатияси орқали глобал таъсирини кучайтирмоқда. Türkiye Milliy Egitim Bakanligi матбуот хизмати. Истанбул. 30.10.2025. <https://askabat.meb.gov.tr/www/turkiye-strengthens-its-global-influence-through-education-diplomacy/icerik/458/tr>

филиаллари фаолият юритади (масалан, Москва давлат университети, Вестминстер университети, Россия кимё-технология университети ва бошқалар). Жами олий таълим муассасалари сони 222 та (108 давлат, 70 нодавлат, 30 хорижий филиал) ни ташкил этади. Бу ислохотлар натижасида сўнгги 5-10 йилда филиаллар сони кўпайди ва талабалар сони 1,43 миллионга етди³⁶.

Ўзбекистон кўплаб мамлакатлар билан таълим бўйича битимлар имзолаган. Масалан, Туркия билан 2025 йилда янги протокол - ўзаро ер ажратиш ва мактаблар куриш, АҚШ билан American Councils орқали алмашинув, Хитой, Россия, Корея ва бошқалар билан қўшма дастурлар мавжуд. 2019 йилда ЮНЕСКОнинг Глобал конвенциясига қўшилиши эса Ўзбекистон дипломларини 38 мамлакатда тан олинишини осонлаштирди³⁷.

Ўзбекистонлик талабалар Туркиянинг "Türkiye Bursları" дастури орқали грантлар олади. Шунингдек, АҚШ (Global UGRAD, Fulbright), Европа (Erasmus+) ва бошқа дастурлар бор. Ўзбекистон ҳукумати ҳам хорижий университетларда ўқиш учун грантлар ажратади.

Ўзбекистон ЮНЕСКО билан фаол ҳамкорлик қилади - 2025 йилда Самарқандда ЮНЕСКО Бош конференцияси ўтказилди, унда таълим, маданият ва сунъий интеллект бўйича таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, қишлоқ жойларда касб-хунар таълимини ривожлантириш учун ЕИ ва ЮНЕСКО билан 9,6 млн евро миқдоридаги лойиҳа амалга оширилмоқда³⁸.

Англиянинг дунёдаги энг машҳур ва нуфузли халқаро университетлар рейтингини аниқловчи QS World University Rankings журналининг 2025 йил натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг 7 та олий таълим муассасаси дунёнинг энг яхши университетлари рўйхатига кирганлиги ва шундан 3 ОТМ топ-1000 рўйхатида эканлиги, бу мамлакатнинг таълим соҳасидаги ўсишини кўрсатади³⁹.

Бундан ташқари, 2025 йилда Тошкентда ташкил этилган „Туркий давлатлар халқаро университети“ Ўзбекистон ва Туркия олий таълим кенгашлари томонидан қўшма таъсис этилган нодавлат олий таълим муассасасидир. Университетнинг мақсади - туркий давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, муҳандислик, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий ва ижтимоий фанлар йўналишларида мутахассислар тайёрлашдир. Дастлабки босқичда университет муҳандислик, ИТ,

³⁶ Сўнгги ўн йил ичида Ўзбекистондаги университетлар сони 3,2 баравар кўпайди ва 222 та муассасага етди. Ўзбекистон Республикаси Миллий Статистика агентлиги. 2025 йил 29 май.

³⁷ Ўзбекистон Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги 2019-йилги Глобал конвенцияни ратификация қилди. UNESCO матбуот хизмати. 17.12.2025. <https://www.unesco.org/en/articles/uzbekistan-ratifies-2019-global-convention-recognition-qualifications-concerning-higher-education>

³⁸ Ўзбекистон қишлоқ жойларида иш билан таъминлаш учун кўникмаларни ривожлантириш. UNESCO матбуот хизмати. 2023 йил 7 июль. <https://www.unesco.org/en/articles/skills-development-employability-rural-areas-uzbekistan>.

³⁹ Ўзбекистоннинг етти университети QS-2026 глобал рейтингига кирди. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг матбуот хизмати. 2025-06-19. <https://gov.uz/oz/edu/news/view/62336>

соғлиқ сақлаш ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида таълим дастурларини таклиф этади.

Университет „чодир университет“ сифатида фаолият юритади, яъни Туркиянинг етакчи университетлари (масалан, Истанбул Техника университети, Ўрта Шарк Техника университети, Ҳажеттепе университети ва Эге университети) билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини амалга оширади. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, дастурлар дунёнинг топ-1000 университети рейтингдаги турк университетлари дастурлари асосида ўтказилади. Бу лойиҳа асосида Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2025 йилнинг январида “Туркий давлатлар халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида” қарор қабул қилинди ва ТДТ доирасида амалга оширилмоқда. Университет туркий дунё учун янги олий таълим модели сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, таъсисчи ҳамкорликда Истанбул Техника университети (ITU) ҳам ўрин олган⁴⁰.

2025 йилнинг январ ойида Тошкент халқаро университети ТДТ университетлари иттифоқи (TURKUNIB) раислигини қабул қилди, бу 2025-2026 йилларда ҳамкорликни янада кенгайтиришни таъминлайди. Университет талабалар ва академик мобилликни ошириш, илмий-тадқиқот лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали туркий дунёда инсон ресурслари ўзаро таъсирини кучайтиришга қаратилган. Университетнинг ташкил этилиши Ўзбекистон таълим тизимини халқаро стандартларга мослаштиришга хизмат қилади, масалан, қўшма диплом дастурлари орқали талабалар икки мамлакатда ўқиш имкониятига эга бўлади⁴¹.

Қолаверса ТІКА (Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги) Ўзбекистонда таълим соҳасида бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда, улар асосан маданий ва академик алоқаларни мустаҳкамлашга йўналтирилган. 2024-2025 йилларда KazAID билан ҳамкорликда „Avicenna: Healthcare“ дастури амалга оширилди, бу соғлиқ сақлаш соҳасида малака оширишга қаратилган. Шунингдек, DVV International томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар касбий таълим ва катталар ўқитиш контекстида таълимни ривожлантиришга йўналтирилган⁴².

2024 йилда Самарқандда „Турк тили ўқитиш маркази“ очилиб, ўзбек талабаларига турк тили ва маданиятини ўргатиш имконини берди. ТІКА ва Ўзбекистоннинг TIAV (Ўзбекистон давлати, жамияти ва миграцияси ҳақидаги китоб лойиҳаси) билан ҳамкорликда академик тадқиқотлар ўтказилди, бу орқали икки мамлакат олимлари ўртасида доимий ҳамкорлик тармоғи яратилди. 2025 йилда ТІКА Ўзбекистоннинг соғлиқ сақлаш ва фан соҳаларида малака ошириш лойиҳаларини

⁴⁰ Ўзбекистонда Туркий давлатлар халқаро университети ташкил этилиши тўғрисида/ПҚ-24/ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий маълумотлар базаси». <https://lex.uz/docs/-7339500>

⁴¹ Tashkent International University assumes Chairmanship of TURKUNIB for 2025-2026. ТДТ матбуот хизмати. 22.01.2025. <https://www.turkicstates.org/en/news/tashkent-international-university-assumes>.

⁴² KazAID 2025 жылы "Авиценна: денсаулық сақтау" бағдарламасын жалғастыруда. Қозғистон Халқаро Ривожланиш Агентлиги 14.10.2025. <https://www.gov.kz/memleket/entities/kazaid/press/news/details/975519>

амалга оширди, шу жумладан, илмий-тадқиқотларни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бунга мисол бўла олади. ТІКА орқали Туркия университетлари билан ҳамкорликда ўқув марказлари ва тил курслари очилиб, талабалар алмашинувига асос яратилмоқда. Умуман, ТІКА лойиҳалари Ўзбекистон таълим тизимини модернизация қилишда муҳим рол ўйнайди, масалан, ўқув жиҳозлари ва кутубхоналар таъмирланиб, маҳаллий университетлар сифати оширилди⁴³.

Бундан ташқари, ҲТВ орқали амалга ошириладиган „Turkiye Burslari“ стипендия дастури Ўзбекистон талабалари учун етакчи имкониятлардан биридир. «Türkiye bursları» (Туркия давлат грантлари) - бу дастур хорижлик талабаларни ўқишга жалб қилиш мақсадида Туркия давлати томонидан ажратадиган грант туридир. Унга 21 ёшгача бўлган чет эллик абитуриентлар мурожаат қилишлари мумкин. Ушбу грантларга ҳужжатлар ҳар йили январь ойида «online» тарзда қабул қилинади. Абитуриентлар суҳбат асосида имтиҳондан ўтказилади. Грантни ютиб олган талабалар учун тиббий суғурта жорий этилган ҳамда тахминан 100-120 АКШ доллари атрофида стипендия, ҳар йили бир марта доимий яшаш жойига бориб келиш, ётоқхона ва овқат харажатлари тўлиқ қопланади⁴⁴.

Шу билан бирга, ушбу дастурнинг Ўзбекистонда мавқеини ошириш мақсадида Туркия Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги хориждаги турклар ва қардош халқлар маркази (ҲТВ - *Yurtdışı Türkler ve Akraba Topluluklar Başkanlığı*) «Türkiye bursları» грантлари квотасини Ўзбекистон фуқаролари учун доимий равишда ошириб келмоқда.

Жумладан 2025 йил ноябр ойида “Эл-юрт умиди” жамғармаси ижрочи директори Гулноза Исмоилова ушбу агентлик раиси Абдулҳади Турус билан учрашди. А.Туруснинг айтишича, Туркия ҳар йили “Türkiye Bursları” етакчи давлат стипендия дастури доирасида Ўзбекистон фуқаролари учун ўртача 230 тагача грант ажратади. Бу грантлар ўқиш, яшаш, суғурта ва авиачипталарни камраб олади. Музокаралар якунида томонлар келгуси йилда квотани 250 тагача кўпайтириш бўйича келишувга эришди. Бу икки давлат ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим қадам ҳисобланади⁴⁵.

Шунингдек, Ўзбекистон талабалари учун махсус «YÖS» имтиҳонлари ҳам мавжуд. «YÖS» имтиҳонлари (*yabancı uyruklu öğrenci sınavı - хорижлик талабалар кириш имтиҳонлари*) ушбу тизим чет давлат абитуриентларининг Туркия

⁴³ Ўзбекистон ва Туркия ТІКА ривожланиш ташаббусларини кенгайтириш бўйича йўл харитасини туздилар. ТІКА матбуот хизмати. 2025 йил 13 август. <https://www.trend.az/business/4080268>.

⁴⁴ Ўзбекистонликлар учун “Türkiye Bursları” стипендия дастури доирасидаги квоталар оширилади. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги матбуот хизмати. 20.11.2025. <https://uza.uz/ru/posts/ozbekistonliklar-uchun-turkiye-burslari-stipendiya-dasturi-doirasidagi-kvotalar-oshiriladi>

⁴⁵ Ўзбекистонликлар учун “Türkiye Bursları” стипендия дастури доирасидаги квоталар оширилади. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги матбуот хизмати. 20.11.2025. <https://uza.uz/ru/posts/ozbekistonliklar-uchun-turkiye-burslari-stipendiya-dasturi-doirasidagi-kvotalar-oshiriladi>

ОТМларига топширадиган имтиҳон тизими бўлиб (*IELTS ва TOEFL имтиҳон тизимига ўхшаш*), Туркиянинг таниқли ва нуфузли ОТМлари томонидан мустақил ўтказилади. Ҳар йили март ойдан июнь ойига қадар математика ва мантиқ фанлари асосида имтиҳон бўлиб ўтади. Ушбу тизимда контракт тўлови 150-500 АҚШ долларини ташкил қилади⁴⁶.

Туркия Олий таълим ахборот-мониторинг тизими агентлиги маълумотларига кўра, 2025 йилда Туркияда таҳсил олаётган халқаро талабалар сони 300 минг нафардан ошган. Ушбу кўрсаткич таркибида ўзбекистонлик талабалар алоҳида ўрин эгаллаб, уларнинг сони 2023 йилда 4 794 нафарни ташкил этган⁴⁷. Мазкур рақамлар йилдан йилга ўсиб бораётгани Туркиянинг халқаро таълим маконидаги жозибаторлиги ортиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, ҲТВ ва Ислом тараққиёт банки ўртасида амалга оширилаётган кўшма стипендия дастури доирасида 67 та мамлакатдан келган талабалар учун жами 105 та стипендия ажратилган, бу эса Туркиянинг таълим дипломатияси ва халқаро академик ҳамкорлигининг институционал асослари тобора мустақамланаётганини кўрсатади. Бу стипендиялар нафақат таълим, балки талабаларнинг халқаро тажрибасини оширишга ёрдам беради, масалан, стипендия олган талабалар қайтиб келиб, Ўзбекистонда турк компанияларида ишлаш имкониятига эга бўлади⁴⁸.

Икки мамлакат университетлари ўртасида талабалар алмашинуви Туркий университетлар иттифоқи (TURKUNIB) ва Орхун алмашинуви дастури (Orhun Exchange Program) орқали амалга оширилади. 2025 йилда Тошкентда ўтказилган TURKUNIBнинг 8-умумийғинида алмашинуви кенгайтириш ва доимий секретариат ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. ТДТ 1 миллион АҚШ доллари ажратиб, Орхун дастурини кенгайтирди, бу талабалар мобиллигини оширишга имкон беради.

Масалан, Истанбул Савдо университети Ўзбекистон университетлари билан алмашинуви шартномаларини имзолади, улар талабалар ва ўқитувчилар алмашинувини ўз ичига олади. 2025 йилда Самарқандда имзоланган таълим соҳасидаги ҳамкорлик протоколлари бу жараёни янада кучайтирди. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 2021 йилда тахминан 109 945 нафар бўлган бўлса, 2023 йилга келиб 150 500 нафаргача ўсган, яъни бу кўрсаткич қарийб 37 % га кўпайган. Ўзбекистон ўзида 9 500 дан ортиқ халқаро талабани қабул қилмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 17,3% га ошган⁴⁹. Алмашинуви дастурлари талабаларга янги маданий ва таълим тизимини ўрганиш

⁴⁶ TR YÖS имтиҳонлари ҳақида. TR YÖS интернет сайти. <https://www.turkeyuniversity.org/pages/tr-yos>.

⁴⁷ Туркия Олий таълим ахборот-мониторинг тизими агентлиги статистик маълумотлари базаси. <https://istatistik.yok.gov.tr/>

⁴⁸Ortak Burs Programları. Türkiye Scholarships матбуот хизмати. <https://turkiyeburslari.gov.tr/ortakburs>.

⁴⁹ Ўзбекистон хорижий университетларда таҳсил олаётган талабалар сони бўйича дунёда учинчи ўринда туради. ЮНЕСКО Статистика институти маълумотлари. 2024 йил 30-сентябрь. <https://www.unesco.org>

имконини беради. Келгусида алмашинувини рақамли платформалар орқали кенгайтириш режалаштирилган.

Илмий-тадқиқот йўналишида ҳамкорлик университетлар ўртасидаги шартномалар ва ТДТ доирасида ривожланмоқда. Масалан, 2025 йилда TÜBİTAK ва Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ўртасидаги қўшма билатерал қўллаб-қувватлаш дастури амалга оширилди. “Туркий давлатлар халқаро университети” илмий-тадқиқот ва инновацияларни ривожлантиришга қаратилган, турк ва ўзбек университетлари ўртасида қўшма лойиҳаларни амалга оширади.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Туркия олий таълим вазирликлари ўртасидаги протоколлар илмий-тадқиқотларни қўллаб-қувватлайди. 2025 йилдаги маданий дипломатия лойиҳалари бу соҳада янада чуқур ҳамкорликка олиб келди. Илмий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: рақамли технологиялар, соғлиқ сақлаш ва кишлоқ хўжалиги. Масалан, ўзбек ва турк олимлари ўртасида қўшма платформа яратиш таклиф этилган, бу форумлар ва конференциялар орқали амалга оширилади. Ушбу қўшма лойиҳалар Ўзбекистон таълим тизимининг сифатини оширмоқда. Маданий жиҳатдан, ҳамкорлик туркий идентликни мустаҳкамлайди. ТДТ доирасидаги лойиҳалар бутун минтақага таъсир кўрсатмоқда.

Келгусида ҳамкорликни рақамли таълим ва АИ орқали кенгайтириш режалаштирилган. 2030 йилгача ТДТнинг таълим стратегиясида қўшма университетлар сонини ошириш кўзда тутилган. Янги лойиҳалар, масалан, қўшма PhD дастурлари, илмий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Қолаверса, UNESCO Ўзбекистон билан ҳамкорликда 2020-2026 йилларга мўлжалланган 9,6 миллион евро миқдоридagi таълим, бандлик ва соғлиқни сақлашга оид лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ва Туркия таълим муассасалари ўртасидаги қўшма лойиҳалар кардошлик ришталарига асосланган мустаҳкам ҳамкорликнинг ёрқин ифодасига айланди. Бу ҳамкорлик университетлар ўртасидаги шартномалар, талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви, қўшма таълим дастурлари ҳамда илмий-тадқиқот лойиҳалари орқали амалий кўриниш олмоқда. Туркий давлатлар ташкилоти доирасида амалга оширилаётган ташаббуслар, жумладан Тошкентдаги Туркий давлатлар халқаро университети ва Орхун алмашинуви дастури, туркий дунёнинг таълим интеграциясини янги босқичга кўтаришда муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, Türkiye Bursları стипендияси ҳамда ТІКА ва УТВ ташаббуслари ўзбек ёшларига Туркияда сифатли таълим олиш имконини яратиб, икки давлат ўртасидаги инсоний ва академик алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

TÜBİTAK билан ҳамкорликдаги илмий лойиҳалар ва таълим форумлари эса инновациялар ва билим алмашинишнинг муҳим платформасига айланиб, икки мамлакат ўртасида академик ҳамкорликни янада кенгайтирмоқда. Бу жараён нафақат

таълим тизимларини бойитади, балки умумий маданий меросни асраб-авайлаш ва туркий цивилизациянинг келажак авлодларини тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Келгусида рақамли таълим, сунъий интеллект ва қўшма илмий тадқиқотлар йўналишларидаги янги лойиҳалар ҳамкорликни янада чуқурлаштириб, минтақавий ва глобал миқёсдаги ўзаро манфаатли шерикликни таъминлайди. Ушбу ҳамкорлик туркий дунёнинг умумий тараққиёти йўлидаги муҳим қадам бўлиб, икки қардош халқнинг яқинлашувининг мустаҳкам пойдеворига айланади.

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет материаллари рўйхати:

1. TÜBİTAK-Ўзбекистон қўшма икки томонлама қўллаб-қувватлаш дастури 2025 йил учун аризалар натижалари эълон қилинди. Türkiye Bilimsel ve Teknolojik Araştırma Kurumu (TÜBİTAK) матбуот хизмати. 2025 йил. Интернет сайт: <https://tubitak.gov.tr/en/>

2. Türkiye Strengthens its Global Influence through Education Diplomacy. Türkiye Milliy Ta'lim Vazirligi (MEB) матбуот хизмати. 2025 йил. Интернет сайт: <https://www.meb.gov.tr>

3. Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари статистикаси ва ислохотлар. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги матбуот хизмати. 2025 йил. Интернет сайт: <https://edu.gov.uz>

4. O'zbekiston Oliy ta'limga oid malakalarni tan olish to'g'risidagi 2019-yilgi Global konventsiyani ratifikatsiya qildi. UNESCO матбуот хизмати. 2025 йил. Интернет сайт: <https://www.unesco.org/en/articles>

5. O'zbekiston qishloq joylarida ish bilan ta'minlash uchun ko'nikmalarni rivojlantirish. UNESCO матбуот хизмати. 2023–2025 йиллар. Интернет сайт: <https://www.unesco.org/en/articles/skills>

6. Ўзбекистон университетлари QS World University Rankings 2026 натижаларида. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги матбуот хизмати. 2025 йил. Интернет сайт: <https://gov.uz/oz/edu/news/view/62336>

7. Ўзбекистонда Туркий давлатлар халқаро университети ташкил этилиши тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий маълумотлар базаси. 2025 йил. Интернет сайт: <https://lex.uz/docs/-7339500>

8. Tashkent International University assumes Chairmanship of TURKUNIB for 2025-2026. Туркий давлатлар ташкилоти матбуот хизмати. 2025 йил. Интернет сайт: <https://www.turkicstates.org/en>

9. TİKA loyihalari va Ўzbekiston bilan hamkorlik. Turkish Cooperation and Coordination Agency (TİKA) matbuot xizmati. 2025 yil. Internet sayti: <https://www.tika.gov.tr>

10. Türkiye Bursları stipendiya dasturi. Türkiye Scholarships matbuot xizmati. Internet sayti: <https://turkiyeburslari.gov.tr>

11. Turkiyada xalqaro talabalalar statistikasi. Yükseköğretim Kurulu (YÖK) rasmiy statistika bazasi. Internet sayti: <https://istatistik.yok.gov.tr>

12. Ўzbekiston-Turkiya taʼlim forumlari va protokollari. Türkiye Milliy Taʼlim Vazirligi va Ўzbekiston vazirliklari matbuot xizmatlari. 2025 yil. Internet saytlar: <https://www.meb.gov.tr> va <https://edu.gov.uz>

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

<https://tubitak.gov.tr>

<https://www.meb.gov.tr>

<https://www.yok.gov.tr>

<https://edu.gov.uz>

<https://www.unesco.org>

<https://turkiyeburslari.gov.tr>

<https://www.tika.gov.tr>

<https://lex.uz>

<https://www.turkicstates.org>

<https://president.uz>